# Президент Ислом Каримовнинг иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясидаги маърузаси

**(Давоми. Боши 1,2-бетда).**

Биз бундан буён ҳам мамлакатимизнинг етакчи Европа давлатлари билан ҳамкорлигини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш йўлида ҳаракатимизни аямаймиз.

Иқтисодий, илмий-техникавий, маданий алоқаларга, шунингдек, изчил сиёсий мулоқотларга кенг имкониятлар очиб берадиган Европа Иттифоқи билан шериклик ва ҳамкорлик ҳақидаги Битимнинг амалга оширилишига алоҳида аҳамият берамиз.



Осиё минтақасидаги давлатлар билан, аввало, Япония, Корея Республикаси билан кўп қиррали ҳамкорлигимиз ҳар томонлама ривожланиб бораётгани, қўшнимиз ва дўстимиз бўлган буюк давлат – Хитой Халқ Республикаси билан алоқаларимиз тобора мустаҳкамланаётгани бизга катта мамнуният бахш этади.

Россия билан тарихан қарор топган иқтисодий, маданий, дўстлик алоқаларимиз Ўзбекистон учун, қолаверса, бутун минтақамиз учун ҳамиша муҳим аҳамият касб этиб келган.

Шуни таъкидлашни истардимки, тенглик, ўзаро манфаатдорлик асосига қурилган, икки давлат орасидаги кўп томонлама ҳамкорлик, стратегик шерикликни кучайтириш учун бугун янги имкониятлар пайдо бўлаётгани ҳар икки томон – Россия ва Ўзбекистон манфаатларига ҳам мос келади.

## VII. ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ СОҲАСИДА:

**Демократик ва ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларни амалга ошириш, маънавий тараққиётга эришиш, шунингдек, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамияти билан ҳамкорлигини кучайтиришнинг асосий шарти ва гарови – мамлакатимизнинг хавфсизлигини таъминлаш, жамиятимизда тинчлик, барқарорлик, миллатлар ва фуқаролар ўртасида тотувликни сақлаш ва кўз қорачиғидай асрашдир.**

**Бу ҳақиқатни барчамиз яхши англаб олишимиз керак.**

Бугунги кунда бизнинг минтақамиз, шу ҳудудда жойлашган мамлакатларни демократик, ҳуқуқий, дунёвий тараққиёт йўлидан қайтаришга уринаётган турли хил экстремистик кучлар ва марказларнинг бу ердаги хавфсизликка раҳна солиш учун кўз тиккан жойи бўлиб қолмоқда.

Бу ёвуз кучлар диний экстремизм ва халқаро террорчиликни минтақамизга ёйишга уринаётгани шундан далолат беради.

Гиёҳванд моддалар ва қурол-яроғларни ноқонуний йўллар билан олиб ўтиш ва сотиш нафақат минтақамиз, балки бутун дунё хавфсизлигига жиддий таҳдид солмоқда.

Минтақамизда ва дунёда юзага келган вазият бугунги кунда биздан чегараларимиз дахлсизлигини, мамлакатимизнинг ҳудудий яхлитлигини, Ўзбекистоннинг изчил ва барқарор тараққиётини амалда таъминлашга қодир бўлган хавфсизлик тизимини яратишни тақозо этмоқда.

Шу муносабат билан мамлакатимизнинг миллий хавфсизлигини таъминлаш учун қуйидаги масалаларни ҳал қилиш алоҳида аҳамият касб этади:

**Биринчи. Марказий Осиё мамлакатларининг тинчлиги ва барқарорлигига, мазкур минтақада яшовчи халқларнинг хавфсизлигига дахл қилувчи тажовузларнинг олдини олиш ва бартараф этиш борасидаги ҳамжиҳатлигини мустаҳкамлаш зарур. Уларнинг бу йўлдаги саъй-ҳаракатлари, имкониятлари ва салоҳиятларини мувофиқлаштириш ва бирлаштириш айниқса муҳимдир.**

Бу хавфни бартараф этиш учун одамларнинг, мана шу ҳududдаги мамлакатлар жамоатчилигининг ҳушёрлиги ва фаоллигини кучайтиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш айниқса муҳим аҳамиятга эга.

Халқларимизнинг табиатига мутлақо ёт бўлган сиёсий, диний экстремизм, ақидапарастлик ва бошқа ёвуз оқимларнинг минтақамизга кириб келиши ва тарқалиши тинчлик ва осойишталикка, фарзандларимизнинг келажагига катта хавф туғдиришини одамлар онгига чуқур сингдириб бориш керак.

Халқларимиз тафаккурида юксак ахлоқий-маънавий қадриятларни қарор топтириш ва мустаҳкамлаш орқали уларни ёвуз кучларга қарши курашга сафарбар этиш зарур.

Мен Марказий Осиёда яшовчи турли миллат ва элатларнинг асрлар мобайнида шаклланган маънавий ва маданий алоқаларини мустаҳкамлаш минтақамиз хавфсизлигининг муҳим шарти эканини алоҳида таъкидламоқчиман.

И к к и н ч и. Марказий Осиё минтақасидаги иқтисодий ҳамкорлик миқёсларини ҳар томонлама кенгайтириш.

Биз иқтисодий лойиҳаларни, биринчи галда, минтақанинг бой табиий захираларидан, энергетика ва сув манбаларидан фойдаланиш, транспорт коммуникациялари, газ ва нефть тармоқларини барпо этиш, экологик муаммоларни ҳал қилиш каби соҳаларга тегишли аниқ лойиҳаларни яратиш ва амалга ошириш борасида куч ва имкониятларимизни бирлаштиришимиз лозим.

Айнан мана шу соҳаларда ҳамкорлик қилиш Марказий Осиёдаги барча мамлакатларнинг манфаатларига мос келиши шубҳасиз. Бу ҳамкорлик бутун минтақанинг кучли ижтимоий-иқтисодий юксалишига, шу билан бирга, унинг хавфсизлиги, барқарорлиги ва ривожланишига мустаҳкам асос яратган бўлур эди.

**Учинчи. Ягона давлат сиёсати асосида армия, чегара ва ички қўшинларимизни босқичма-босқич ва изчил ислоҳ этиш.**

Биз энг юксак талабларга жавоб берадиган, мамлакатимиз тинчлиги ва осойишталигини самарали ва ишончли тарзда ҳимоя қила олишга қодир, тезкор, етарли даражада таъминланган ва яхши қуролланган, профессионал тайёргарликка эга бўлган Қуролли Кучларимизни шакллантиришимиз даркор.

Т ў р т и н ч и. Давлат чегараларимизни янада мустаҳкамлаш ва унга тегишли иншоотларни барпо этиш.

Давлат чегараларини қўриқлаш ва ҳимоя этишга қаратилган бутун тизим мамлакатимизнинг ҳудудий яхлитлигини сақлаши, бузғунчи-террорчи гуруҳлар ва қўпорувчи унсурларнинг сарҳадларимиздан ўтишига йўл қўймаслиги, Ўзбекистоннинг иқтисодий ва бошқа манфаатлари ҳимоясини таъминлаши шарт.

Б е ш и н ч и. Хавфсизликнинг бўлинмас ва яхлитлиги ҳақидаги бош принципга таяниб, Терроризмга қарши кураш бўйича халқаро марказ барпо этишга оид Ўзбекистон ташаббусини амалга ошириш борасидаги ишларни янада кучайтириш.

Марказий Осиёдаги барқарорлик ва тинчликни издан чиқариши мумкин бўлган хавф-хатарларнинг олдини олиш ва бартараф қилиш бўйича бу муҳим масалага халқаро тузилмаларнинг эътиборини ошириш борасидаги таклифларимизни амалда жорий этиш йўлидаги саъй-ҳаракатларни давом эттириш даркор.

О л т и н ч и. Ҳуқуқ-тартибот органлари тизимини ислоҳ этиш ва уларнинг жамоатчилик билан алоқаларини мустаҳкамлаш.

Жойларда жамоат хавфсизлигини таъминлаш учун ўзини ўзи бошқариш органлари, биринчи галда, маҳаллаларнинг ролини янада ошириш зарур.

Маҳалла қўмиталарининг аҳоли яшаш жойларида содир этилаётган жиноятлар ва бошқа ғайриқонуний хатти-ҳаракатларни келтириб чиқараётган сабаб ва ҳолатларни аниқлаш, уларни бартараф этиш йўлидаги саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлаш муҳим аҳамиятга эга.

Жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлашда биз "Чегара посбонлари" ва "Маҳалла посбонлари" каби фуқаролик тузилмаларининг кучли салоҳиятидан тўла фойдаланишимиз лозим.

Бу тузилмалар сафига кенг оммани жалб этиш, уларнинг тайёргарлигини кучайтириш ва чегара қўшинлари ҳамда ҳуқуқ-тартибот идоралари билан ҳамкорлигини таъминлашимиз зарур.

**Жамоат тартибини ва фуқароларнинг ўз шахсий хавфсизлигини сақлаши уларнинг ҳушёр ва огоҳлигига, теварак-атрофида рўй бераётган воқеаларга фаол муносабатига нақадар боғлиқ эканини одамларнинг онгига етказиш ўта муҳимдир.**

**Жиноятчиликка, экстремизм ва жаҳолатнинг ҳар қандай кўринишларига қарши курашда, умумий хонадонимиздаги тинчлик ва осойишталикни асраш йўлида аҳоли фаоллигини ошириш лозим.**

**Азиз юртдошларим!**

**Халқимиз, миллатимиз буюк ўзгаришлар арафасида турибди. Биз янги асрга озод ва эркин халқ, мустақил ва қудратли давлат бўлиб кириб бормоқдамиз. Шуни унутмаслигимиз керакки, ягона Ватанимизнинг равнақи, юртимиз тинчлиги ва фаровон келажагимиз фақатгина ўзимизнинг қўлимиздадир.**

Заҳматкаш ва фидойи халқимизнинг меҳнати, эзгу интилишлари билан кириб келаётган янги юз йиллик юртимиз учун чинакам юксалиш ва саодат асри бўлгай, иншооллоҳ.

Азиз қадрдонларим!

Инсон учун халқнинг ишончи, меҳр-муҳаббатига сазовор бўлишдан ортиқ бахт йўқ. Бугун мана шу юксак ва мўътабар минбардан туриб, қўлимни кўксимга қўйиб, менга билдирган улкан ишончи, ҳурмат-эътибори учун меҳнаткаш, бунёдкор, бағрикенг ва доно халқимизга таъзим қиламан.

Мен ўзимнинг энг эзгу мақсадим, ҳаётимнинг маъно-мазмунини бошлаган ижобий ишларимизни давом эттириш, ҳар бирингизнинг эртанги кундан кутаётган орзу-умидларингизни рўёбга чиқариш йўлида хизмат қилиш, деб биламан.

Мен учун бундан бошқа олий мақсад, бошқа улуғ саодат йўқ.

Барчангизга соғлик-омонлик, хонадонларингизга қут-барака тилайман.

Ватанимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин!

Эзгу ишларимизда Яратганимизнинг ўзи мададкор бўлсин!

---

*• Биздан сўрабсиз •*

# ҲАҚ-ҲУҚУҚИМИЗНИ БИЛАЙЛИК ВА УНИ ҲИМОЯ ҚИЛА ОЛАЙЛИК!

## *Саволларингизга Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши Бош ҳуқуқий нозири Ҳамидулла ПРЕМҚУЛОВ жавоб беради.*



**Савол: Агар ходим бир корхонада айни бир вақтда икки ўриндошлик бўйича ўзининг асосий вазифасидан ташқари иккинчи вазифани ҳам бажариб келаётган ва у ёки бу ножўя ҳаракати учун маъмурият ташаббуси билан ишдан бўшатилган бўлса, иккинчи вазифасидан ҳам бўшатиладими ёки йўқми?**

**М.ЗУФАРОВА,**
**Тошкент ихтисослаштирилган хотин-қизлар коллежи.**

**Жавоб:** Амалдаги Меҳнат Кодексига биноан иш берувчи билан ходим ўртасида меҳнат шартномаси тузилади. Бундай шартномалар ходим асосий иш жойига қабул қилинаётганда ва худди шунингдек, ўриндошлик бўйича (ўриндошлик деб, ходим ўзининг асосий ишидан бўш вақтида бошқа ҳақ тўланадиган ишни бажариши тушунилади) қабул қилинаётганда ҳам тузилади. Агар ходим билан иш берувчи ўртасида зикр этилган шартномаларнинг ҳар иккаласи ҳам тузилган бўлса (бунда шартномаларнинг қай даражада тўғри ёки нотўғри расмийлаштирилганлиги масала моҳиятини ўзгартирмайди) улардан бирининг бекор қилиниши ўз-ўзидан иккинчисини ҳам бекор қилиш учун асос бўлолмайди. Сизнинг ҳолатингизда эса ходим ўриндошлик асосида эмас, балки айни бир вақтда (асосий иш вақтидан бўш вақтида эмас) иккита лавозим вазифасини бажариб келган, яъни у киши билан битта меҳнат шартномаси (асосий) мавжуд бўлган. Шунинг учун мана шу ягона шартноманинг бекор қилиниши ходимни тамоман ишдан бўшатилишига сабаб бўлган.

**Савол: Мен 1969 йилдан буён Тошкент Авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг тиббиёт санитария бўлимида ҳамшира бўлиб ишлаб келдим. 1976 йилдан 1977 йилгача катта ҳамшира бўлиб ишладим. Ҳозирда пенсияга чиқаман, десам ижтимоий таъминот бўлимидагилар катта ҳамшира бўлиб ишлаган даврингиз имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқини бермайди, дейишди. Шу тўғрими?**

**М.ВАҲОБОВА,**
**С.Раҳимов тумани,Беруний кўчаси 360-уй, 21-хонадон.**

**Жавоб:** Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 12 майдаги 250-қарори билан тасдиқланган имтиёзли шартларда пенсияга чиқиш ҳуқуқини берувчи ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, лавозимлар ва кўрсаткичларнинг 3-рўйхати, XXXV қисм, У 111 бобида кўрсатилишича тиббиёт хамширалари (лавозимларидан қатъий назар, шу жумладан тиббиёт қисмларининг ҳам) умумий белгиланган пенсия ёшидан беш йил аввал имтиёзли равишда пенсияга чиқишлари мумкин. Бу ходимлар қайд этилган ишда қишлоқ жойларида бўлса 25 йиллик, шаҳарда 30 йиллик иш стажига эга бўлишлари кераклиги Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонунининг 12-моддасида белгилаб қўйилган.

Сиз 1969 йилдан эътиборан тиббиёт санитария қисмида ҳамшира бўлиб ишлагансиз. Бугунги кунда имтиёзли тарзда, яъни 50 ёшдан пенсияга чиқиш ҳуқуқига эгасиз. Катта ҳамшира бўлиб ишлаганлигингиз эса мазкур масала моҳиятини ўзгартирмайди.

**Савол: Ишбай ҳақ олиб ишлайдиганларнинг таътил пуллари қандай ҳисоблаб чиқарилади.**

**З.ҚОДИРОВ,**
**Қорақалпоғистон Республикаси Беруний тумани.**

**Жавоб:** Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 мартдаги 133-сонли Қарори билан тасдиқланган ( шу қарорга илова) «Ўртача ойлик иш ҳақини ҳисоблаб чиқариш тартиби»га биноан таътиллар вақтига ҳақ тўлаш (шу жумладан ишдан бўшатиш нафақасини, ишсизлик нафақасини тўлаш учун ўртача ойлик иш ҳақини ҳам) учун ўртача ойлик иш ҳақи биринчи йил ишловчиларга ҳисоблаб чиқариш кунидаги тарификация бўйича белгиланган иш ҳақи ёки лавозим маошидан келиб чиққан ҳолда уларни ўн иккидан бирга (олти ой тўлиқ ишлаганларга олтидан бирга, етти ой тўлиқ ишлаганларга еттидан бирга ва ҳоказолар), ўрта махсус ва ҳунар-техника ўқув юртлари ўқитувчилари учун ҳисоблаш даврида тарификация бўйича белгиланган иш ҳақи ёки лавозим маошидан ошган суммани ўндан бирга оширган ҳолда ҳисоблаб чиқарилади. Уларга ишбай асосида ишлаб топилган қўшимча иш ҳақи, мукофотлар, қўшимча тўловлар, иш ҳақига қўшимча ҳақлар ва ижтимоий суғурта бўйича бадаллар ҳисобланадиган бошқа тўловяар киради.

Ишбай ҳақ оладиган ишчининг таътил даврига иш қуйидагича ҳисоблаб чиқарилади. Айтайлик, ишчи феврал ойидан таътилга кетади. Ўртача иш ҳақи тўлаш таътилга кетишдан олдинги 12 ойдан (ҳисобланаётгандан олдинги) келиб чиқилади.

| ОЙЛАР | ҲАҚИҚИЙ ИШ ҲАҚИ | ТАРИФ | мукофот, устама, ва ҳ.к.лар, яъни тарифдан юқориси |
|---|---|---|---|
| Феврал 99й | 8000 | 5000 | 3000 |
| Март 99й | 7000 | 5000 | 2000 |
| Апрел 99й | 9000 | 5000 | 4000 |
| Май 99й | 3000 | 5000 | - |
| Июн 99й | 5500 | 5000 | 500 |
| Июл 99й | 6000 | 5000 | 1000 |
| Август 99й | 6000 | 5000 | 1000 |

Фараз қилайлик сентябр ойидан ойликлар ошиши муносабати билан ишчининг тарифи 6000 минг сўм бўлди.

| | | | |
|---|---|---|---|
| Сентябр 99й | 7800 | 6000 | 1800 |
| Октябр 99й | 9000 | 6000 | 3000 |
| Ноябр 99й | 2000 | 6000 | - |
| Декабр 99й | 11000 | 6000 | 5000 |
| Январ 2000й | 4000 | 6000 | - |

Мана шу жадвалдаги сўнгги устун, яъни тарифдан юқори бўлган суммаларни жамлаб йиғиндини 12 ойга бўламиз (3000 + 2000 + 4000 + 500 + 1000 + 1000 + 1800 + 3000 + 5000 = 21300 : 12 = 1775) ва ҳосил бўлган суммани таътилга кетишдан олдинги, яъни ҳисоблаш вақтидаги тарифга қўшамиз (6000 + 1775 = 7775).

Энди шу 7775 сўмни умумий белгиланган ўртача ойлик иш кунига (25,4) бўламиз ва чиққан сумманинг ишчининг таътил кунларига (айтайлик унинг таътили 18 кун) кўпайтирамиз (7775:25,4=306 х 18=5508 сўм).

Мана шу 5508 сўм ишчининг таътил пулидир.

Йил охирида ортиқча бажарилган соатлар учун ўрта махсус ва ҳунар-техника ўқув юртлари ўқитувчиларига қўшимча ҳақ ушбу соатлар бажарилаётган вақтда амалда бўлган ставкалар бўйича тўланади.

---

## *Саволингизга Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши ҳуқуқий нозири Насиба ТИЛЛАХЎЖАЕВА жавоб беради.*



**Савол: Мен пенсиядаман, аммо ҳали корхонада меҳнат қилиб келмоқдаман, йилига икки ойлик пенсиямни тўлиқ олиш ҳуқуқига эгаман. Ана шу ҳуқуқимни амалга оширишни расмийлаштириш тўғрисида тушунча берсангиз. Ишдан бўшаб кейин қайтадан муддатли меҳнат шартномаси тузиш шартми? Ёки қонунда бошқача йўллар ҳам борми?**

**С.РАЖАБОВА,**
**Сирдарё тумани.**

**Жавоб:** Маълумки, 1996 йилнинг 1 январидан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида ишлаб турган пенсионерларга давлат пенсиялари уларнинг яшаш жойларида қуйидаги миқдорларда тўланмоқда: Иккинчи жаҳон уруши ногиронлари ва иштирокчилари, уларга тенглаштирилган шахсларга, иккинчи жаҳон уруши йилларида ҳарбий хизматни ўтаган ёки фронт орқасида ишлаган шахсларга, биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронларига, шунингдек Чернобиль фалокати оқибатида зарар кўрган шахсларга тайинланган пенсиянинг 100 фоизи;

— қолган бошқа ҳамма пенсионерларга, пенсионер тўлиқ ёки тўлиқ бўлмаган иш кунида бандлигидан қатъи назар, белгиланган пенсиянинг 50 фоизи.

Календар йили мобайнида икки ойгача тузилган муддатли меҳнат шартномаси билан ишлаётган пенсионерларга пенсия уларнинг истиқомат қилаётган жойларида тўла миқдорда тўланади.

Шу муносабат билан: илгари доимий ишга қабул қилинган ва иш берувчига календар йили мобайнида икки ойлик пенсиясини тўлиқ миқдорда олишни сўраб мурожаат қилган пенсионер билан муддатли меҳнат шартномасини қандай расмийлаштириш керак, деган ҳақли савол амалиётда тез-тез учраб туради.

Шуни айтиб ўтиш жоизки, шартнома муддатининг ўзгартирилиши ёлғиз унинг шартларидан бирини ўзгартиришдан иборат бўлиб, бу ходим билан меҳнатга оид муносабатлар бекор қилинишини мутлақо талаб қилмайди. Шу муносабат билан айрим раҳбарларнинг, гоҳида эса ижтимоий таъминот соҳасидаги айрим мансабдор шахсларнинг муддатли меҳнат шартномаси тузишни истаган пенсионер номуайян муддатга тузилган меҳнат шартномасини ўз хоҳишига кўра бекор қилиниши тўғрисида ариза бериши, кейин эса муддатли меҳнат шартномаси бўйича яна ишга кириши тўғрисидаги талаблари мутлақо ғайриқонунийдир. Бундай талаблар Меҳнат Кодексининг 96-ва 99-моддаларига зид ҳисобланади.

Ишлаб турган пенсионерлар билан шартнома муддати тўғрисидаги шартни ўзгартириш Меҳнат Кодексининг 96-моддаси 2-қисми талабларига мувофиқ расмийлаштирилиши керак. Унда меҳнат шартларини ўзгартиришни расмийлаштириш тартиби баён этилган. Шартнома муддати юзасидан шартни ўзгартиришни қуйидаги таҳрирда баён этамиз:

I-тоифали мухандис А.Орипов, 2000 йил 01.02 дан 2000 йил 01.04 гача муддатли меҳнат шартномаси бўйича ишлаётган ҳисоблансин.

Асос: — «Меҳнат шартномасининг... бандига киритилган ўзгариш».

Агар пенсионер ишга 1993 йил 1 декабргача оғзаки меҳнат шартномаси бўйича қабул қилиниб, кейинчалик бу шартномага унинг розилиги билан ёзма шакл берилмаган бўлса мазкур буйруқни чиқариш учун ишлаб турган пенсионернинг тегишли аризаси асос ҳисобланади.

Шартнома муддати тугаши билан тарафлар меҳнатга оид муносабатларни давом эттиришни хоҳлаган ҳолларда ҳам ишлаб турган пенсионер билан муддати ўтиши муносабати билан меҳнат шартномасини бекор қилмаслик ва уни яна номуайян муддатга ишга қабул этмаслик керак, чунки Меҳнат Кодексининг 105-моддаси 2-қисмига биноан, агар муддат тугаганидан кейин ҳам меҳнатга оид муносабатлар давом этаверса ва тарафларнинг бирортаси бир хафта давомида унинг бекор қилинишини талаб қилмаган бўлса, шартнома номуайян муддатга узайтирилган ҳисобланади.

Шу билан бирга Адлия вазирлиги томонидан 1995 йил 20 декабрда рўйхатга олинган, (кейин ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган) «Ишлаб турган пенсионерларга пенсия тўлаш тартиби»га биноан иш берувчилар пенсионерлар билан муддатли меҳнат шартномалари тузганлиги ва уларнинг муддати ўтганлиги тўғрисида ижтимоий таъминот бўлимларига ахборот беришга мажбурлар.

Агар пенсионер ишлашни давом эттирса, у ҳолда шартнгома муддати тугаши билан унга иш жойидан тайинланган пенсиянинг фақат 50 фоизи тўланади.

Шу муносабат билан юқорида келтирилган ҳолда шартномага ўзгартириш киритиш ва тегишли буйруқ чиқариш керак. Буйруқ қуйидагича баён этилиши мумкин: «1-тоифали мухандис А.Орипов, 2000 йил 02.04 дан бошлаб номуайян муддатга тузилган шартнома бўйича ишлаяпти деб ҳисоблансин»

Асос: — «Меҳнат шартномасига киритилган ўзгартириш».

---

## *Саволингизга Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси ҳуқуқий нозири Карим МУХТОРОВ жавоб беради.*



**Савол: Ёшга доир пенсия оладиган шахс билан «Контракт» тузилса, у пенсияни тўлиқ миқдорда олиши мумкин экан. Шу тўғрими?**

**Қ.АҲРОРОВ.**
**Янгийўл тумани.**

**Жавоб:** Амалдаги қонунлар билан кимлар, қайси ҳолда ишлаётган шахс ёшга доир пенсиясини тўлиқ олиши мумкинлиги белгилаб қўйилган.

«Контракт» иборасига келсак, «Меҳнат шартномаси» ва «Контракт» тушунчалари ўртасида ҳеч қандай фарқ йўқ.

Шундай экан, ҳар қандай шахс ишга кирганда у билан «Меҳнат шартномаси (контракт)» ёзма равишда тузилади.

«Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 1993 йил 3 сентябрда қабул қилинган бўлиб, у 1994 йилнинг 1 июлидан эътиборан амалга киритилган. Бу Қонуннинг 53-моддасида ишлаб турган пенсионерларга пенсиялар иш ҳақи ёки даромадидан қатъи назар, тўлиқ миқдорда тўланиши кўрсатиб ўтилган эди. Лекин 1995 йилнинг 20 ноябрида «Ишлаётган пенсионерларга пенсия тўлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони қабул қилинди ва 1996 йилнинг 1 январдан эътиборан амалга киритилди.

Бу Фармонга асосан ишлаётган II жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига, биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронларига, Чернобиль фалокати туфайли жабрланганларга пенсия тўлиқ, қолган ишловчи пенсионерларга белгиланган пенсиясининг эллик фоизи миқдорида тўланиши белгилаб қўйилди.

Ушбу Фармон ҳозир ҳам амалда. Шунинг учун ходим «контракт» асосида ишга қабул қилинадими ёки «Меҳнат шартномаси» тузиладими, қатъи назар, (агар у Фармондаги имтиёзлардан фойдаланмаса) у тайинланган пенсиянинг фақат эллик фоизини олишга ҳақлидир.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва Ижтимоий-таъминот вазирликларининг 30 апрель 1996 йилдаги тушунтириш хатига мувофиқ фақат тайинланган пенсиянинг эллик фоизини олиш ҳуқуқига эга бўлган ва ишлаётган пенсионерлар ўзларининг розилиги билан бир йилда икки ойлик муддатда тўлиқ пенсия оладилар.

Яна бир қатор ишлаётган ходимлар борки, уларга 1999 йил 17 мартдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хотин-қизларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони билан тўлиқ миқдорда ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқи берилган.

Бу Фармонга асосан 1999 йилнинг 1 июлидан бошлаб, аёллар ёшга доир пенсияга чиққандан кейин ўрта ва кичик тиббиёт ходимлари, провизорлар, ногирон болаларнинг интернат уйларида, «Меҳрибонлик» уйларидаги тарбиячилар, шунингдек кутубхоначилар сифатида ишлашни давом эттираётган ва пенсияга чиқиш олдидан мазкур мутахассисликлар бўйича камида ўн йил стажга эга бўлган ҳолларда улар тўлиқ миқдорда пенсия олиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Фармон эълон қилингандан сўнг тушунтириш бериш тўғрисида кўплаб мурожаатлар бўлди. Бу саволларга нуқта қўйиш мақсадида Меҳнат ва Ижтимоий таъминот вазирликлари 1999 йил 5 ноябрда тушунтириш хати эълон қилди.

Ушбу тушунтириш хати ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 17 мартдаги «Хотин-қизларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонига асосан ишлаб чиқилган тартибнинг 2-бандига мувофиқ пенсияларни тўлиқ миқдорда тўлаш қуйидаги касбларда ишлаётган аёлларга ҳам жорий қилинади:

1. Ўрта ва кичик тиббий ходимларга:

- тиш шифокорлари:
- санитар авиацияси, санитар маорифи ва тиббий статистика фельдшерлари:
- санитар фельдшер - эпидемиолог, паразитолог, санитар шифокорларнинг ёрдамчилари:
- клиника, биохимия, бактериология, радиология санитар-гигиена лабораторияларининг фельдшер-лаборантлари (лаборантлар):
- марфологик тадқиқот (ўрганиш) билан банд бўлган фельдшер-лаборантлар.

2.Провизорларга:

провизор - бошлиқлар,
бошлиқ ўринбосарлари,
бўлим бошлиқлари,
бўлим бошлиғи ўринбосарлари,
технологлар,
аналитиклар.

3. Кутубхоначиларга:

- катта кутубхоначилар:
- штат бирлигида бир ходим кўзда тутилган кутубхоналарнинг кутубхона бошлиғи вазифасини бажарувчилар:
- катта библиографчилар.

Меҳнат шартномаси (контракт) тузилганда юқорида кўрсатиб ўтилганларга асосланиб, ишлаётган қайси пенсионерлар тўлиқ пенсия олиш ҳуқуқига эга эканлигига тўғри баҳо бериш керак.

